

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

СИЗГА ҲАР ҚАНЧА ТАЪВИМ ЭТСАК АРЗИЙДИ!

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устоз ва мураббийлар! Қадри дўстлар! Ҳар қайси одамнинг ҳаётида соғлом ва комил инсон бўлиб воғда этишида ота-онани билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятни ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, аввалмбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хошими ва интилишини ўзида мўъжасам этган, десам, ўйлаيمانки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар! Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аён.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодийликни биз учун янги аснода - бозор муносабатлари негизда ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг қўламли ислохотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамиятини танаққули билан таъқдирлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган оқил ва мезонлар ҳусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапирши мумкин.

Лекин, шулар қаторида аввалмбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узокни кўзлаган, чуқур ўйланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури халқимизнинг ўзини тугганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгилик фикр-лайҳаларини, ўзалигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунларини, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарт бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб воғда етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиغان, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб ёшайдиган, гайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатини биз учун сиз, азизларга - ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Хурматли дўстлар! Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар,

биринчи навбатда инсон капиталлини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни ҳолисона баҳолаб эканмиз, таълим-тарбия соҳасида халқ қилаётган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини қутаётган долзарб муаммоларни хал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни манқий яқинига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймайлик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Аввалмбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида қуришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлиши олий ўқув юртлигининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак маънавий мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини тақомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли институт тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илгор олий ўқув юртлири даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нукта назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини - бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўлади, олий таълим соҳаси бўлади - буларнинг барчасини ягона бир го, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забот этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етуқ инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўлаемиз.

Биз сиз, азизлар - мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлирида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамонтини халқимиз таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўраемиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнаки ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссанга эришган, ёш авлодни воғда етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, бегараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сўхат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бераймиш.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакат сиёсати, жамият тараққиётининг ўзбекча модели бошқа давлатларга ҳам ўрнак бўлаётгани сир эмас. Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар самараси ҳар қадамда буй кўрсатиб турибди. Ақдодларга муносиб баркамол, билимдон ёшларимиз халқро майдонда олдинги сафлардан ўрин эгаллаяпти. Халқ таълими, ёшлар тарбиясига Юртбошимиз бераётган катта эътибор ва ғам-хўрликнинг натижасини энг ақлли, энг кучли, энг бахтли фарзандлар мисолида кўриб турибмиз. Шундай ёшлар ўқиётган мактаблар, маърифат масканлари кўп мамлакатимизда.

КЕЛАЖАК МАКТАБИ - ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Юртбошимизнинг: "Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи Мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир" деган сўзлари бежиз эмас. Бундай таърифга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилаётганлардан бири Ангренинг Облиқ қишлоғидаги 29-умумтаълим мактаби раҳбари, халқ таълими аълочиси Зарифахон Шокирхоновдир. Унинг ўқитувчилик фаолияти айнан мустақилликнинг илк йили, илк кунидан бошланган. Аввал она тили ва адабиёти ўқитувчиси, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбасари, кейинчалик раҳбарлик вазифасини бажариб келаётгани ҳолда, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати сифатида кўпгина хайрли ишларга бош-қош.

Мамлакатимиз 1978 йилда қайта қурилган, - дейди раҳбар. - Мустақиллик йилларида ўқув хоналари, ошхона, меҳнат хоналари тўлиқ қайта жиҳозланди. "Япон гранти" совриндори бўлган, бу ишларга имконият пайдо бўлди. Шунингдек, мактабимиз Вазирлар Маҳкамаси-

нинг қарорига асосан 2011 йил капитал таъмирланди. Айниқса, АКФА ромлари, иситиш ва ёритиш тизими мактабимизга ўзгача чирой бағишлади. Албатта, яхши шароит, гўзал манзара болаларга кўтаринки кайфият бағишлайди, ишчанлики, интилувчанлик қобилиятини оширади...

Масъулият, фидойиликни касб қилган ўқитувчи ва мураббийлар бор экан, эртанги кундан кўнгил тўқ. Зарифахон Шокирхонова ҳам 22 йилдан буюн ўқитувчи деган шарафли номга муносиб савий-ҳаракатлари билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонди.

Таълим, тарбиянинг муҳим омиллари - изчиллик, ҳамкорлик, доимий эътибор, назоратдир, - дейди у. - Базан ўйланган режанг амалга ошиши учун ҳатто ўзингдан кечиб ишлашга тўри келади. Тонг сахардан қоронги кечгача мактабда қолиб кетганимда ҳам нолмаган умр йўлдошимга раҳмат, дейман...

Аслида, аёл аввало она, у фарзандлар тарбиясига масъул. Ўқитувчи эса, нафақат фарзандла-



Зарифахон Шокирхоновна ўқувчи ва мураббийлар бор экан, эртанги кундан кўнгил тўқ. Зарифахон Шокирхонова ҳам 22 йилдан буюн ўқитувчи деган шарафли номга муносиб савий-ҳаракатлари билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонди.

ри, балки ўқувчилари тарбиясига ҳам масъул. Бундай залворли вазифаларнинг урдасидан қишиқнинг ўзи бўлмайди. Бу борада аёлига қанот бўладиган оила бошлиғи албатта мактабга лойиқ. Директорнинг максали, режаси амалга ошишида нафақат оиласи, балки аҳил жамоанинг, ота-оналар, "Маҳалла", "Қамолот", "Соғлом авлод", "Нуроний" каби жамоат ташкилотлари, ҳомий қорхоналар ҳамкорлиги муҳим. Зарифахон Шокирхонованинг "Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўриқтанловига тақдир этган "Келажак мактаби - орзулар рўёби" лойиҳаси шу ҳамкорлик туфайли тўлақонли чиққанлиги шубҳасиз. (Давоми 2-бетда).

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНИ БОР



Бугун элимизда яна тўй, байрам. Кечagina энг улуғ, энг азиз байрам - истиқлолимизнинг 22 йиллигини зўр шодийна билан нишонлаган эдик. Бугун эса Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "энг шарафли, энг масъулиятли" касб эгалари: ўқитувчи ва мураббийларимизни қадрлаш, эъзозлаш кун.

Бу кунни халқ таълими кўр ҳаяжон билан қутиб тизимидан хизмат қилаётган олишди. Зеро, уларни бу-барча соҳа ходимлари чун-тун жамиятимиз шарафлаб,

қутлайди. Барчасидан кувончлиси Юртбошимиз берган фахрий унвон, орден ва медаллардир. Вилоятимиз ўқитувчи ва мураббийлари ҳам Ватанимизнинг шундай юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Қиррай туманидаги 4-

умумтаълим мактабида 20 йилдан буюн (таълим соҳасида 28 йил), тасвирий санъат ва чизмачиликдан дарс бериб келаётган Анвархўжа Бўрибековга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" деган фахрий унвон берилди. Бу бежиз эмас. Глобаллашув даври ёшларини энг замонавий, интерфаол усуллардан унумли фойдаланмай туриб ўқитиш яхши самара бермайди. Анвархўжа бу борада 10 дан зиёд илмий-методик маърузалар, намунали дарс ишланмалари ва кўргазмалар қуроллар яратган. Компьютер техникасини мукамал эгаллаган ўқитувчи ўз дарсларини семинар-тренинг, баҳс-мунозара, давра суҳбатлари тарзида, ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтади. У нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларга ҳам компьютер тех-

никаси сирларидан, замонавий ахборот технологиялари, интернет йўналишларидан сароб бермоқда. Фидокорона меҳнатлари ҳар йили ўз самарасини кўрсатаётгани ҳам сир эмас. Фан олимпиадалари вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб келаётган Азиз Мутуллаев (2006-2007), Ботир Бигелдиев (2007-2008), Нафосат Суярова (2008-2009), Адҳам Иброҳимов (2009-2010), Дилфруз Рўзимова (2010-2011), Райхон Нуржатаева (2011-2012), Малика Салқинбекова (2012-2013) ҳозирги кунда соҳа бўйича энг билимдон мутахассислардан. А. Бўрибеков нафақат ўқувчилари, фарзанди Фовсильзамнинг компьютер соҳасига бўлган қизиқиши, интилиши, муваффақиятларидан фахрланади. Сайёра ЭШМАТОВА.

Пахта - 2013

РАЖАБОВ АВВАЛ ЕРНИ «ТУЗАТДИ»

"Эскини ямагунингча, эсинг кетади" деганлари рост. Аммо Муҳиддин Ражабов бундан қўрқмади. 2012 йили фермерлигини ихтиёр этиб, ер сўраганда, узок вақт ММТПга раҳбарлик қилганини ҳисобга олиб, талабини қабул қилишди-ю, бирик қайсидир фермер ёлчиғи ишламай, ажриққа бостириб кетган майдонни ажратди. Боз устига: "Бу сизга камлик қилади, увол бўлмасин", деб атрофдаги қаровсиз ерларни ҳам қўшиб беришди.

Шундай қилиб, Муҳиддин фермер 43,2 гектар ерда иш бошлади. Табиийки, биринчи йили ҳосилни, шартномани ўйламади. Аввал ерни "Ер" қилишга киришди. Бошламасига икки марта ҳайдатди. Одамларни ёллаб, ажриқ тердирди. Йўлакай кузатиб, қўл-оёғи чаққонларни танлаб, 12 кишини доимий ишга олди. Улар фермернинг режасига мувофиқ, йил бўйи ерни тозалаш, расий тил билан айтганда, деҳқончилик маданиятини жоийга қўйиш билан машғул бўлишди. Табиийки, биринчи йили шартнома режаларига эътибор қаратилмади. Бунга юқоридан эътироз ҳам бўлмади. Чунки, кейинги йили ўрни қопланми кетишини ҳамма сезиб турарди.

Шундай бўлди ҳам. "Сетора Мафтуна Агро" фермер хўжалиги 23 гектардаги "Таня" навли бугдой-



ман бажардик, - дейди Муҳиддин Ражабов. - Ҳаммасини биринчи навга топширдик. Далада эса ҳали ҳосил кўп. Яна камида 28 тонна пахта топшириш имкониятимиз бор. Шунда умумий

ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб, ажриқ териш ва майдонларни тартибга келтириш йаргати билан ўтган биринчи йилга қамоматинг ўрни ҳам икки ҳисса қопланади.

СУРАТДА: (чапдан) тракторчи Бахтиёр Тошев, фермер Муҳиддин Ражабов ва Ангор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туранили Эргашев. Даврон АХМАД олган суратлар.

ФИДОЙИ МЕҲНАТИНГИЗГА ТАСАННО, УСТОЗЛАР!

Бундан 6-7 йил муқаддам газетхонлар билан учрашув ўтказиш учун Бекобод туманидаги 41-мактабга бормоқчи бўлиб, туман халқ таълими бўлимига кўнғироқ қилдим. "Очил аканинг мактабими?" "Кўқони" маҳалласида деб жавоб беришди. Бекобод қишлоғи марказида ҳам йўлни тўғри кўрсатишди. Мактаб жамоаси билан суҳбатлашганимизда эса "Очил аканинг мактаби" иборасидаги рамзий маънони аниқлаб етгандай бўлди...



ОЧИЛ АКАНИНГ ҲИССАСИ

Очил Хўжанов Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) охириги курсида ўқиб юргандаёқ иш фаолиятини Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабда тарих ва жамиятшунослик фақидан дарс беришдан бошлади.

1970 йилда ўқини тугатиб, Бекобод педагогика билим юрти (ҳозирги педагогика коллежи)га ишга келди. 1975 йилда ўзи туғилиб ўсган "Кўқони" маҳалласидаги 41-мактабда оддий ўқитувчи, директор ўринбосари, илмий бўлим мудири вазифаларини бажарди.

1979 йилда мактаб директори этиб тайинланиб, шу лавозимда 22 йил ишлади. Ўқув-тарбия ишларини яхшилаш билан бирга моддий-техник базани мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Унинг ташкилотчилиги билан 1984-1986-йилларда 624 ўринли янги мактаб қурилиб, ўқув жихозлари билан таъминланди. Спорт зали ва майдончаси, отиш тири, иссиқхона, мўъжазгина кўёнхона, "Ёшлар боғи" барпо этилди. Шу тарихи мактаб энг намунали билим даргоҳларидан бирига айланди.

2004 йилда ҳамқишлоқлари Очил акани маҳалла фуқаролари йиғини раислигига сайлади. У икки ярим йил оқсоқолик қилган бўлса-да, мактабдан кўнғил узолмади ва яна кадрдон жамоаси бағрига қайтди. Чунки болаларга бўлган меҳр, ўқитувчилик касбига садоқат уни шундай йўл туттишга ундади.

Бугун 65 ёшни қаршилаган бўлса-да, у ҳамон мактабда - ўқувчилар даврасида.

Очил ака ёшларга бугунги кун талаблари асосида билим беришни давом эттирмакда, - дейди илмий бўлим мудири Ҳайдар Бобобеков. - Дарсларни интерактив усулда қизиқarli ва эсда қолarli қилиб ўтказишга ҳаракат қилади.

Мактаб - бу меннинг ҳаётим, - дейди халқ таълими аълочиси Очил Хўжанов. - Айниқса, бугун педагогик жамоа шогирдларим экани кучимга-куч беради. Мустақил юрт фарзандларини вояга етказишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Аминимизки, Очил ака "мактаб" и халқи узоқ йиллар жамиятга хизмат қилади.

қолarli қилиб ўтказишга ҳаракат қилади.

Мактаб - бу меннинг ҳаётим, - дейди халқ таълими аълочиси Очил Хўжанов. - Айниқса, бугун педагогик жамоа шогирдларим экани кучимга-куч беради. Мустақил юрт фарзандларини вояга етказишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Аминимизки, Очил ака "мактаб" и халқи узоқ йиллар жамиятга хизмат қилади.

қолarli қилиб ўтказишга ҳаракат қилади.

Мактаб - бу меннинг ҳаётим, - дейди халқ таълими аълочиси Очил Хўжанов. - Айниқса, бугун педагогик жамоа шогирдларим экани кучимга-куч беради. Мустақил юрт фарзандларини вояга етказишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Аминимизки, Очил ака "мактаб" и халқи узоқ йиллар жамиятга хизмат қилади.

Каримқул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
МУБИРО,
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

БЕҒУБОРЛИК ИФОРИ

Болалик - тақдир ҳар биримизга инъом этган сирли, беғубор орзулар дебочаси. Шодликка лиммо-лим, ташвишсиз дамлар. Негадир бугун ўша беғубор болалигимни соғинч билан эслаяман. Мактабга бораёган-у, ҳаёлимда яна ўша бахтиёр онларим

гавдаланяпти. Юрагим ўзимга бўйсунмай болаликни кўмсаб, талпинмоқда. Гўё кимдир мени орзиқиб кутаётгандек. "Устоз дарсга келдимикин, мени кўриб хурсанд бўлармикин?" каби саволлар оғушида кўларимдаги гулдастага қараб-қараб қўяман.

Мактаб дарвозасига қадам босиб улгурмасиндан ёқимли кўнғироқ овози эшитилди. Танаффусга чиққан бахтиёр болажонларнинг шўхшодон шовқинлари ҳовли юзини тутиб кетди. Яна ёқимли, покиза хотиралар оғушига олди: танаффусда Барно, Муқаддам, Зилола ва мен, тўрт томонда чопқиллаб ўйин ўйнардик. "Эхтиёт бўлинглар, йиқилиб тушманлар-а", онадек меҳрибонлик билан тергарди устоз. Худди ёшлигим шу мўътабар жойларда қолиб кетгандек жавдирайман. Ховли саҳнига кўрк бериб турган, барқ уриб очилиб ётган қипқизил атиргуллар орасидан дугоналарим чиқиб келаётгандек назаримда...

Гулдастангиз бунча чиройли, уни кимга берасиз? - сочларига оқ тасма тақиб олган ширингина қизалоқнинг саволи хаёлларимни тўзатиб юборди.

Бу гулдаста шу мактабнинг энг чиройли муаллимисига, - дейман ифтихор билан.

У ким?

Менинг биринчи ўқитувчим!

Устозингиз чиройлими? - сўрайди қизалоқ.

Сен офтобни кўрганмисан, - дейман жавдираб турган қизалоққа.

Устозим офтобга ўхшарди. Унга қараганда кўзлар қамашарди. Тафтидан исинардик, болдек сўзларидан шууримиз нурланарди, тафаккуримиз илм чашмаларидан сув ичарди...

Ҳайрат билан бокиб турган қизча сўзларимга тушунмасан-да, мулоим қилиб, хайрлашди. Мен эса шаҳдам одимлар билан устозим хонаси томонга охиққдим. Ойнаванд кутиш

залида жилмайиб турган чехрага кўзим тушди. Ўша нигоҳ, ўша табассум, ўша латофат. Ичимдан тошиб келаётган севинч юзларимга ёйилди. Лабларим охиқта: "Устоз!", дея пичирлади.

Илк бор мактабга борганим, жажжи кўчаларимдан ушлаб ёзишни ўргатган, саводимни чиқарган биринчи устозим қаршимда порлаб турарди. Салом берганча унинг иссиқ бағрига отилдим: "Устоз!"

Ўша биринчи синфда ҳар биримиз учун алоҳида эгиллиб, дафтарларимизга ҳарфларни ёзиб бераётганда, димоғимга урилган ифори яна ҳис қилдим. Бир зум бўлса-да, беғубор, бахтиёр болалигимга қайтдим.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозим!

Дилфуза МИРОБИДОВА.

МУАЛЛИМ (қасида)

Илму ҳикмат булогисиз, дил баҳори муаллим, Шогирдлар муҳаббати - ифтихори муаллим.

Ал-Беруний, Ал-Фаробий, бир тарафда Абу Лаис, Самарқанддан сабоқ олган шеър тождори муаллим.

Адолатдан сўз ўрганди Амир Темури Кўрагон, Улуғ ўзбек салтанатини мададкори муаллим.

Юлдузларга боққанича Мудом Сизни ўйлади, Осмон илмин бир шувласи, давлаткори муаллим.

"Бобурнома" таърифига илҳом берган ўзингиз, Улуғ шоир армончи гамгузори муаллим.

Подираю Зебунисо, Увайсий Анбар отин, Бир гўмбазни ёриб чиққан зўр айбори муаллим.

Илм ўзини англамакдир, ё ҳаётдир, ё мамот, Авлоқийлар авлоқининг шул қарори, муаллим.

Адабиёт бешиги Сиз, Чўпон кеча-кўнўзи, Гафур Ғулом, Ойбек домла, сўз Қаҳҳори муаллим.

Дорилфунун яратмишдир, бизнинг доно устозлар, Илму нурга чанқоқ дилинги дўсту ёри муаллим.

Ҳар юракка жо эдингиз Мустақиллик дарсини, Асл Ватан истақолин иждокори муаллим.

Сиз очгансиз ҳар кўнғилда мағрифатини эшигин, Мактаб деган кенг ҳаётнинг илк баҳори муаллим.

Ўқувчингиз камолда захматингиз мужассам, Сиз шогирдлар кўвончию дил ихҳори муаллим.

Дунё билан белашимоққа қодир сизнинг шогирдлар, Илм отиш чўнғ қўққининг забткори муаллим.

Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, Камолотга элтар йўлининг йўлбоқчиси муаллим.

Ҳаёт ўзи мураббийдир, ҳаёт ўзи бир мактаб, Шу ҳаётшу му мактабнинг, етакчиси муаллим.

Букун дунё эшиклари кенг очилди бизларга, Ватан деган буюк шанинг ному муаллим.

Таъзим, Сизга азиз устоз, минг эҳтиром юракдан, Ашурали Боймуроднинг дил айбори муаллим.

КЕЛАЖАК МАКТАБИ — ОРЗУЛАР РЎЁБИ

2013-2018 йилларга мўлжалланган лойиҳанинг мақсади таълим-тарбия жараёнини энг юқори поғонага кўтариш, ўқитишнинг сифат ва самарадорлигига эришиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлида садоқат билан хизмат қила оладиган билимдон, зукко, маданиятли, салоҳиятли ёшларни тарбиялашдан иборат. Уч босқичли лойиҳада белги-ланган вазифалар, уни амалга ошириш йўллари, даржа-ҳақиқат, ширин орзуга ўхшайди: ҳар бир ўқитувчини компьютер, проектор, DVD каби техника воситалари билан таъминлаш, электрон дасриқлардан тўлиқ фойдаланиш, барча дарсларнинг кириш қисмида инглиз тилини қўллаш, кабинетларга лингафон ўрнатиш, "Ёш экологлар" гуруҳи билан 500 та хонаки гуллар, мактаб иссиқхонасида 1000 тул гул қўчати етиштириш, 10,5 тонна металл, 2 тонна қозғ тўплаш, ҳамкор, ҳомий корхоналарга керакли хизматлар кўрсатиш, эвазига моддий ва номоддий маблағларга эга бўлиш ва ҳоказо. Аммо, бу орзулар рўёбига шубҳа йўқ. Зеро, хайрли амалларга бош-қош бўлаётган раҳбар, "Халқ таълими аълочиси", "Йил ўқитувчиси", "Йил аёли", шаҳар кенгаши депутати Зарифахон Шокирхонваннинг азму шижоати, ўз ишига садоқати бекиёси. Қолаверса, "Қозонда бўлса, чўмича чиқади" деганларидек, бу ишлар рўёби учун мактабда пухта замин, мустаҳкам асос бор.

Ҳозирги кунда лойиҳа асосида "Япон гранти" туфайли 80 минг АҚШ долларлик компьютер, проектор, сканер, нусха кўчирувчи аппарат, 10 та дурадгорлик ва чилангарлик асбоблари, 10 та электр тикув машинаси, барча синф хоналари учун янги стол-стуллар келтирилди. Мактаб ахборот-ресурс маркази нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки ҳудуддаги барча зиёлилар учун замонавий янгиликларни етказиб берувчи маънавий-маърифий масканга айланган.

Қисқаси, вилоятимизнинг фидойи ўқитувчиларидан бири Зарифахон Шокирхоннова 2013 йилда яна бир ютукқа эришди. У республика бўйича "Йилнинг энг яхши мактаб директори" дея тан олинди.

си", "Йил ўқитувчиси", "Йил аёли", шаҳар кенгаши депутати Зарифахон Шокирхонваннинг азму шижоати, ўз ишига садоқати бекиёси. Қолаверса, "Қозонда бўлса, чўмича чиқади" деганларидек, бу ишлар рўёби учун мактабда пухта замин, мустаҳкам асос бор.

Ҳозирги кунда лойиҳа асосида "Япон гранти" туфайли 80 минг АҚШ долларлик компьютер, проектор, сканер, нусха кўчирувчи аппарат, 10 та дурадгорлик ва чилангарлик асбоблари, 10 та электр тикув машинаси, барча синф хоналари учун янги стол-стуллар келтирилди. Мактаб ахборот-ресурс маркази нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки ҳудуддаги барча зиёлилар учун замонавий янгиликларни етказиб берувчи маънавий-маърифий масканга айланган.

Қисқаси, вилоятимизнинг фидойи ўқитувчиларидан бири Зарифахон Шокирхоннова 2013 йилда яна бир ютукқа эришди. У республика бўйича "Йилнинг энг яхши мактаб директори" дея тан олинди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

ЭКОЛОГ БЎЛИБ ТУФИЛГАН

Тошкент Ирригация ва мелiorация институтини имтиёзли диплом билан битирган Абдумуталлиб экин майдонларини оқилонга ташкил этиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида унумли фойдаланиш, сув омборлари қуриш, янги ерлар ўзлаштириш, мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш соҳаларида илмий изланишлар олиб борди. Саноатнинг кескин ривожланиши, табиий бойлиқларга талаб ошиши туфайли атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммолар ҳам кўчмаётган 1989 йилда Абдумуталлиб Абдухалиқов вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида "Ер ресурсларини муҳофазаси қилиш" инспекцияси бошлиғи лавозимига тақийл этилди. Ушунда у қишлоқ хўжалик экинлари зараркунданларига қарши ишлаб чиқариш, инсон ва атроф-муҳит учун ўта хавфли бўлган захарли кимёвий воситалардан фойдаланишни қисқайтириш, кейинчалик эса бутунлай тақиқлаш йўлида кўп ишлар қилди. Кўнгли қишлоқдаги захарли кимёвий воситалар омборлари ишини тўхтатиш,

улар ўрнига атроф-муҳит учун зарарсиз биологик усулга ўтиш ва 28 та биологатория ишини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди.

1994 йили Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Экосан" халқаро ташкилотининг вилоят бўлими директори этиб тайинланди. Бу вақтда у экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва экологик соф маҳсулот етиштиришда самарали бўлган "Калифорния чўвалчани"ни боқиб эвазига "биогумус" ишлаб чиқарувчи кичик корхона барпо этишга катта ҳисса қўшди. 1997 йилдан вилоят қўмитасининг "Усимлик ва хайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш" инспекцияси бошлиғи лавозимига тақийл этилди. Ушунда у қишлоқ хўжалик экинлари зараркунданларига қарши ишлаб чиқариш, инсон ва атроф-муҳит учун ўта хавфли бўлган захарли кимёвий воситалардан фойдаланишни қисқайтириш, кейинчалик эса бутунлай тақиқлаш йўлида кўп ишлар қилди. Кўнгли қишлоқдаги захарли кимёвий воситалар омборлари ишини тўхтатиш,

ноёб дарахтлар, хайвон ва қўшларнинг ноёб бўлишига йўл қўймади, "Қизил китоб"га киритилган турларнинг сақланиши ва қўйишга муносиб замин яратди. Айниқса, дайди овчиларга қарши аёвсиз кураш, қонунбузарларга маъмурий жазо қўллаш, улар устидан қўзғатилган ишларни прокуратура, жиноят ва хўжалик судларида қўриб чиқиш, табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг ҳимоялашда экологик ҳуқуқий билимларини тўла намоён этди.

Ер усти ва ер ости бойликлари муҳофазаси, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаган 2008-2011 йилларда вилоятимиз ҳудудидида қон-қазий ишлари туфайли бўшаган, ҳолати бузилган ерларни рекультивациялаб, ҳар йили 500-600 гектар ерни фойдаланишга топшириб, экин майдонлари кенгайиши ва қазиб олинаётган ер ости бойликлари таннарих пасаийишига ҳисса қўшди. Сирдарё, Охангарон ва Чирчиқ дарёлари ўзанида қум-шағалларни ноқонуний қазиб олишни назорат қилиш жараёнида ашаддий қонунбу-

зарларга нисбатан белги-ланган жазо чоралари қўлланиб, Қуйи Чирчиқ туман йўл қурилиши корхонаси табиатга етказган зарар учун раҳбарлардан 31,5 млн. сўм товон пули ундириш, Чирчиқ дарёси ўзанига экскаватор билан зарар етказган "Хофиз орзу" қўшма корхонаси ва Паркент тумани тоғли ҳудудда ноёб бўлган қизил туپроқ қонидан экологик метёрий ҳужжатларга давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасини олмамай, фаолият юритган "Жевел Пром" қўшма корхонаси раҳбарларини жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан тергов органлари билан ҳамкорлик қилиб, қонунчилик талабларининг тикланишида ёш инспекторларга ўрناк бўлди. Жамоамизнинг юксак ҳурматиға сазовор устознинг гайрати, қатъияти ва кези келганда ўта талабчанлиги ёш мутахассисларимизни тўғри йўлдан адашмасликка, ўз зиммаларидаги масъулиятни вазифаларини тўла-тўқис адо этишга ундаши шубҳасиз.

З. АБДУКАРИМОВА,
вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси давлат инспектори.

Санжар анчадан бери ҳайдовчиликка ўқийман, деб икки оёғини бир этikka тикиб олган. Уланинг хархашасидан чарчаган Миркомил ака бугунги ишларини йиғиштириб қўйиб, тўғри уйлари яқинидаги Мудофаага

қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Паркент тумани кенгашига йўл олди. Уни оқиқ чехра билан кутиб олган мутахассислар ҳайдовчиликка ўқитиш шарт-шароитлари ва муддати ҳақида тўлиқ тушунча беришди.

ЯХШИ ҲАЙДОВЧИЛАР БИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Миркомил ака ўзини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам қониқарли жавоб олган, ўқув муассасасини айланиб чиқмоқчилигини айтиди. Мутахассислар барча хона-

лар билан таништиришди. Миркомил ака кетар чоғида: "Эртага сиз айтган ҳужжатларни тўғирлаб, ўғлим билан келаман" дея хайрлашди.

— Ўқув-спорт техника клубимиз ташкил этилганга 26 йил бўлди, деди кенгаш раиси Ҳамидулла Мирхайитов. — Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча ҳайдовчилар тайёрлаб чиқарилмади дейсиз.

Айни пайтда жамоа нафақат халқ хўжалиги учун малакали ҳайдовчилар тайёрлаш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан ёшлар ўрта-сида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларини ташкил этиш аниана тусига кирган. Ҳар йили 550 дан зиёд "Д", "В", "ВС" тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланади. Ўқишга янги келатганларга Алишер Тулаганов, Дониёр Ашуров, Меҳридин Исоқов, Миркомил Ҳамидов каби малакали ўқитувчилар автомобиль бошқаришни мидан-сиригача ўргатишади. Ҳеч бир хижат эътибордан четда қол-



майти. Чунки, эртага автомактаб тингловчилари катта йўлга чиққанда, бахтсиз ҳодисага сабабчи бўлмасликлари лозим.

— 2007 йилгача "Д" тоифали ҳайдовчиликка ўқимоқчи бўлганлар Чирчиқ ёки Тошкентга қатнашлариға тўғри келарди, - деди Ҳамидулла Мирхайитов. - Энди бу йўналишда ўқиш имконияти ўзимизда бор.

Ташкилот қошида автомобилларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ҳам ишлаб турибди. Бу ҳам қўшимча маблағ келтирипти, ҳам ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган йиллар давомида ташкилотнинг моддий-техник базаси

мустаҳкамланди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар келтириляпти. Қуни кеча Spark автомобилли сотиб олдик. Лаэ-695, "Тико", Жигули, ГАЗ-31, ГАЗ-53, ЗИЛ-131 автоуловларини ҳам ўқувчилар ихтиёриға берилган.

ААРАДА НАЗАРОВА.

СУРАТАРЛА: (уртада), кенгаш раиси Ҳамидулла Мирхайитов ўқитувчиларга керакли йўл-йўриқларни бериляпти; "Spark" автомобилининг ҳар томонлама қулайлигини автомактаб жамоасига маъқул бўлади.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ХОНАТЛАС ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Хонатлас - 2013" фестивали бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағгармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Осиё рами" Ўзбекистон модельерлари ва дизайнёрлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мажмур фестивалда ёш дизайнёр ва модельерлар томонидан яратилган миллий либослар намойиш қилинди.

валидан қўзланган асосий мақсад маданий меросимизни сақлаган ҳолда уни янада бойитиш ва тарғиб этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Жорий йилги фестивалда "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг либослар дизайни йўналишида фаол қатнашган ёшлар ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларининг тўпلامлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Тақдим этилган либослар миллий ва замонавий руҳи ўзида муҷассам этгани, уларда ёшликка эса жўшқинлик, изланиш ўз ифодасини топгани билан кўпчилигининг эътиборини тортиди. Тадбир доирасида, шунингдек, миллий матолар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, бардавомлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағгармаси фаолиятида миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, шу орқали уларнинг маънавийтини, эстетик савиясини юксалтириш, бадиий дидини тўғри шакллантириш каби масалалар устувор аҳамият касб этади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Фестивалда либослар тўплами энг яхши деб топилган ёш дизайнёрларга дипломлар топширилди.

От спорти

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Адолат" СДП вилоят кенгаши, Ўзбекистон от спорти федерацияси, "Универсал Жампинг Агро" МЧЖ ҳамкорлигида от спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича мусобақа ўтказилди.



ЧАВАНДОЗЛАРГА ТЎСИҚ ПИСАНД ЭМАС

1,30 ҳамда 1,5 метрли тўсиқлар оша сакраш мусобақаларида турли ёшдаги ҳамда хаваскор чавандозлар голиблик учун курашдилар. Мусобақалар ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган бўлиб, Олий Мажлис депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вакиллари, "Адолат" СДП вилоят кенгаши фаоллари, От спорти федерацияси мутахассислари ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати кузатувида ўтди.

порларида голибликни қўлга киритишди. 12-16 ёшли болалар ўртасида уюштирилган 1,5 метр баландликдаги тўсиқлардан сакраш мусобақасида Жўрабек Жўраев Рейтинг лақабли отини маҳорат билан бошқариб, энг юқори натижа кўрсатди. Шунингдек, ишқибоз чавандозлар мусобақасида Иқбол Раҳмонов голиб бўлди. Мусобақа голибларига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва "Адолат" СДП вилоят кенгаши дипломлари ҳамда "Универсал Жампинг Агро" МЧЖ ва бошқа хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Савол беринг, жавоб оласиз

ТУРАРЖОЙГА ЭГАЛИК ВА ИЖАРА ҲУҚУҚИ

"Қайнота-қайнонам билан бир ҳовлида яшаймиз. Яқинда қайнотам ховлининг бир қисмини ижарага бердилар. Шундай қилишга ҳақлимилар? Бунинг учун ҳам шартнома тузиладими?"

"Фуқаролар тураржойни қай тартибда хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга? Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз".

О. ТОЛИПОВ, Ўрта Чирчиқ тумани. – Фуқаролар ва юридик шахслар куйидаги йўллар билан тураржойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга:

- а) якка тартибда уй-жой қуриш; б) якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш; в) уй-жой облигацияларини олиш; г) уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш; д) олди-сотди, ҳада ва айирбошлаш; е) умрбод таъминлаш шартли билан уйни бошқа шахсга бериш; ж) мерос олиш ва қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

ЭСЛАТМА: Фуқаролар ва юридик шахслар тураржойларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга бўноан ҳам хусусий мулк қилиб олишлари мумкин. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни қўчириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Саволга нотариус Камола ХУДОЁРОВА жавоб берди.



Тўпурақлар беллашуви

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ГАЛАБАСИ

Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 2014 йили Таиландда бўладиган Осиё чемпионати саралаш босқичи "В" гуруҳи баҳслари давом этмоқда.

Мусобақада Ўзбекистон, Яман ва Фаластин ўсмирлар терма жамоалари ўзаро рақобатлашмоқда. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки учрашувини фаластинликларга қарши ўтказди.

Учрашувда ҳужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз Фаластин ўсмирлар терма жамоасини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Уйида Жонибек Кўчимов, Ойбек Нурматов ва Азиз Фаниев рақиб дарвозасига иккитадан тўп киритган бўлса, Бақир Муртазов, Сўхроб Нуруллаев ва Озодбек Қурбонов биттадан голга муаллифлик қилди.

Темур Олимхўжаев шогирдлари 29 сентябрь кuni яманлик тенгдошларига қарши майдонга тушиб, 4:0 ҳисобида галаба қозониб, саралаш босқичи якунига кўра Осиё чемпионатида йўлланмани қўлга киритишди.

Ў.А.

"Отам оламдан ўтиб, улардан мол-мулк қолди. Мен билан ажриб кетган турмуш ўртоғим бу мулкдан менга ва боламга ҳам мерос тегади, деяпти. Бизнинг никоҳимиз бекор қилинганга саккиз йил бўлган. Уртамизда эса асраб олган фарзандимиз бўлиб, собиқ аёлим уни олиб кетган. Унинг талаби тўғрими? Қонун бўйича кимлар мерос олмайдилар?"

Ж. МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти.

КИМЛАР МЕРОСХЎР БЎЛОЛМАЙДИ?

– Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга ҳақли бўлади. Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилса, никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайдилар. Қонун бўйича ворисликдан фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан туғилган қариндошларга тенглаштириладилар. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бобо-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бобо-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

ЭСЛАТМА: агар мерос мол-мулкка нисбатан тақиқ ва хатлов қўйилган бўлса, тақиқ ва хатлов олиб ташланмагунча қадар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ғувоҳнома бериш тўхтаб турилади.

Саволга ҳуқуқшунос Гўзалхон АҲМЕДОВА жавоб берди.

Пойтахтимизда маҳаллалар футбол жамоалари ўртасидаги аънанавий "Футболимиз келажаги" турнирининг республика финал босқичи бошланди.

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Футбол федерацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мақдур мусобақада юртимизнинг турли ҳудудларидан жамаи ўн икки маҳалла футбол жамоалари голиблик учун баҳс-лашмоқда.

Мамакатимизда Президентимиз Исом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга доимий эътибор қаратилмоқда. Юртимиз-

нинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий болалар спорт мажмуаларида ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилган.

"Футболимиз келажаги" аънанавий республика турнирининг финал босқичи уч ёш тоифасида – 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил болалардан иборат маҳалла жамоалари ўртасида ўтмоқда. Жорий йилги мусобақанинг куйи босқичларида бир миллиондан ортиқ бола иштирок этди. Бу ўтган йиллардагидан анча кўпдир.

Байрам АЙТМУРДОВ, Ў.А. муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади. Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солигини тўлаш мuddатлари ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар белгиланган. Ҳозирда тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирилади. Шундай экан мол-мулк ва ер солигини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Вилоят давлат солиқ бошқармаси.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743 сонли қарорига ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 25 сентябрдаги 145и/4-сонли буйруғига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 07 февралдаги 33-сонли қарорига асосан, Фанлар Академиясига қарашли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Баҳор кўчаси, 28-уйда жойлашган, бошлангич баҳоси – 5 055 860 500 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади) Чирчиқ таърибда эксперементал "Композит" заводининг маъмурий бино ва иншоотлари, энгеро ва ишлаб чиқариш корпуси очиқ аукцион (ким ошди) савдоларига кўйилмоқда.

"Объект"нинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишининг асосий шартлари: – энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш; – сотиб олиш қийматини қисқа мuddатларда амалга ошириш. Баландда сакловчининг номи:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси. Фаолият-ихтисослиги: илмий тадиқот. Қурилган йили: 1984 йил. Ер участкасининг умумий майдони – 2,85 га. Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 9 242,02 кв.м. – "Объект" 4 та асосий бинолардан ва 8 та ёрдამчи иншоотлардан ташкил топган. Бинолар бетон конструкциялардан иборат. – Бинода сув, газ ва электр тармоғи мавжуд. Талабгорлар "Объект" бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 758 379 075 сўм миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача, ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон ф-лидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114; МФО 01036; СТИР 207122519.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги ВМ-154-сонли қарори ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш

давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 25 сентябрдаги 146 и/4-сонли буйруғига асосан, Ўртачирчиқ туман ҳокимлигига қарашли, Ўртачирчиқ тумани, "Қумовул" (Бектемир) К.Ф.Й., Янгиобод маҳалласи ҳудудида жойлашган, бошлангич баҳоси – 482 122 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади) "27-сонли болалар боғчаси" бино ва иншоотлари очиқ аукцион (ким-ошди) савдоларига кўйилмоқда. "Объект"нинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишининг асосий шартлари: – энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш; – сотиб олиш қийматини қисқа мuddатларда амалга ошириш. Баландда сакловчининг номи: Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги. Фаолият-ихтисослиги: Маъмурий Бошқарув. Қурилган йили: 1988 йил. Ер участкасининг умумий майдони – 0,8191 га. Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 1 862,73 кв.м.

– Болалар боғчаси биносининг фундаменти бетон, деворлари ғиштдан, эшик деразалари тахтадан. – Бинода сув, газ ва электр тармоғи мавжуд. Талабгорлар "Объект" бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 72 318 300 сўм миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача, ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон ф-лидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519. Юқорида қайд этилган "Объект"ларнинг савдолари 2013 йил 11 ноябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш қилинади соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 8 ноябрь кuni соат 18.00. Юқоридаги "Объект"лар 2013 йил 11 ноябрь кuni сотилмаган тақдирда, такоррий савдолар 2013 йил 25 ноябрь, 9 декабрь, 23 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такоррий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 25 ноябрдаги савдо учун 20 декабрь кuni соат 18.00. Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган зақалат "Объект"лар сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиб объектининг олди-сотди шартномаси тузилгунча қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамши кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz. rieltssavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

2013 йилда кишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти; Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойда; Замонавий дизайнли уйлар; Ҳар бир уй-жой 6 сониқ ер майдонига эга; Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга; Янги уйда олиангиз билан бирга форован ҳаёт кечиринг. Олиангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оливингиз реселлар ва орзуларингиз амалга ошириш учун сарфланади; Янги уйлар янада жиндор турмуш тарзи ҳамда оливингиз тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилади.

Янги уйлар Сиз учун узоқ мuddатли сармоя ва фарзандлар учун мерос. Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Омонатингизни кўпайтириш имконияти; Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити; Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари; Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди; Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нарслар сарофи.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги; Бир йиллик сифат кафолати; Узғурчи нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари. Марҳамат, муросасат қилинг! Туман ёки вилоят ҳокимликларига; Кишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига; "Камолот" ЕНХ бўлимига; Хотин-қизлар қўмиталарига; Кишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига; Кишлоқ қурилиш инвестиция филиалларига. 100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрсабз, 36 Тел.: (+998 71) 150-93-39 Факс: (+998 71) 150-39-93 www.gqb.uz e-mail: headoffice@gqb.uz

МТ MATBUOT tarqatuvchi ОЧНО АКТИВЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда. Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд. Вилоят обуна бўлими: 8-370 233-13-04 Ангрэн шаҳар филиали: +99890 123-69-71 Бекобод шаҳар филиали: +99890 9592863 Бекобод туман филиали: +99890 167-43-27 Бўстонлиқ туман филиали: +99893 527-74-53 Зангиота туман филиали: +99890 976-47-93 Олмалик шаҳар филиали: +99891 787-23-53 Оқангарон туман филиали: +99893 508-22-99 Ўртачирчиқ туман филиали: 8-370-76-21-476 Чиноз тумани филиали: 8-370-59-31-331 Чирчиқ шаҳар филиали: 8-370-71-64-617 Юқори Чирчиқ туман филиали: +99890 125-99-07 Пискент туман филиали: +99893 619-77-33 Қўрай туман филиали: +99893 613-83-16 Янгиёул туман филиали: 8-370-60-22-034 Паркент туман филиали: +99890 125-99-07 ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ Ғувоҳнома № 000690 Тошкент давлат юридик институти томонидан 1995 йилда Маткаримова Гульчехра Абдусаматовна номига берилган № 083624 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Решением собственника ЧП "STAR WEST DENTAL" Юнусабдского района г. Ташкента преобразовывается в ООО "STAR WEST DENTAL". Все претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г. Ташкент, Юнусабдский район, ул. Богишамол, дом 31-А, кв. 7.

"SHEER LUXURY" МЧЖ-нинг устав жамгармаси 706 163 885,56 сўмдан 499 938 487,56 сўмга камайишини маълум қилилади. Шайхонтохур тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 20 сентябрда 005471-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "FORWARD CONSULTING" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301664146, ОКОНХ 84500) ТУГАТИЛАДИ (асос: 2013 йил 16 сентябрдаги 8-сонли Баённома). Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. Тошкент темир йўл муҳандислари институти (А. Икромов номи Тошкент темир йўл наклиёти муҳандислар олийгоҳи) томонидан 1995 йилда Раззоков Жаҳонгир Абдумаликович номига берилган 042640 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан 2012 йил 17 апрелда 007839-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "DENIZ TRADING" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206973308, ОКОНХ 71150) ТУГАТИЛАДИ (асос: 2013 йил 13 сентябрдаги 3-2013-сонли Баённома). Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Чилонзор-18/13/85 манзилида қабул қилинади.

Кўргазма

«ҲАР ҚАНЧА ТАЪЗИМ ҚИЛСАМ ОЗ»

Тошкент фотосуратлар уйдан ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб, расм Рихсиб Аюповнинг "Устозларга таъзим" шахсий кўргазмаси очилди.

Экспозицияга ижодкорнинг юздан ортиқ асарлари қўйилган. Уларда юртимиз табиати, асосан, Хумсон, Чорвоқ, Ҳожикент қишлоқлари табиат манзаралари, йил фасллари, тураржойларнинг қадриятларимизни эслатуви кўришилари акс этган. Вилотиянинг гўзал табиати тасвирланган 60 га яқин асарлар ҳам

экспозициядан жой олган. Кўргазмада Чорвоққа бағишланган 30 га яқин асарлар бўлиб, унинг ўндан зиёди "Чорвоқда куз" деб бир хил номланган бўлса-да, бир-бирини такрорламайди, аксинча, тўдиради. Расм Тошкент вилотиянинг беқийс табиати ижодкорларини илҳомлантираётганини таъкидлаб

шундай дейди: "Отамнинг "Устоз отадек улғурди, болам", деган ўғитлари доимо кулоқларим остида жаранглаб туради. Устоз расмлар В. Перов, Н. Шин ва В. Кунцево менга санъат сирларини кунт билан ўргатдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида мен ҳам устозлик шарафига муссар бўлдим ҳамда мураккаб билимларни ёшларга осон йўл билан ўргатишни, улардаги ташаб

бус ҳамда ижода интилишни қўллаб-қувватлаб, илҳомлантира олиш каби фазилатларни ўлаштирдим. Шу боис устозларимга ҳар қанча таъзим қилсам арзийди. Ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий ижод намуналаридан, ота-боболаримиз яратган ва бутун жаҳонга машҳур санъат дурдоналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият бермоқдаман. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

СОҒЛОМ ТУРМУШ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Қибрай туманидаги "NAVUZ INTERNATIONAL CORP" қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш боробарида ишчи-хизматчилар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Навбатдаги давра суҳбати "Соғлом турмуш — соғлом келажақ" мавзусига бағишланди. Тадбирда иштирок этган республика Наркология маркази мутахассислари ҳозирги кунда тобора илдири отиб бораётган гиеҳвандликнинг зарарли оқибатлари, айниқса, ёш авлоднинг ҳисмонан ва ақлан соғлом ўсишига ҳафли таъсири хусусида фикр юритдилар.

Шунингдек, республикада гиеҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашишда кенг жамоатчилиқнинг иштирок этиши иллатнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Қадриятларимиз

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг замонавий билимлари мукамал эгаллашлари билан бирга, уларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, юксак маънавиятни қилиб воға етказиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, болалар ўйинчоқларига жиддий эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Сабаби, болалар ўйинчоқлари халқ ҳаётини акс эттирувчи, унинг маънавий қадриятлари ва маданий меросини асарлар давомида ажодлардан авлодларга етказиб беришни бадий воситалардан биридир.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарини: "Ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлса, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқийс эканлиги аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасавурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажақда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади." дейилган. Дарҳақиқат, дунёга келиб, унга ҳайрат кўзи билан боқадиган мурғак қалбларда "ўйинчоқ" орқали тасаввур, дунёқараш ва ҳаётга муносабат шаклланади.

Илмий хулосалар шуни кўрсатадики, инсон бутун умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда қабул қилади. Илк ҳаётий тасавурулар, инсон тафаккурига пойдевор бўлувчи тушунарлар болалар онгига айнан шу пайтда сингади. Шунинг учун бўлса керак, азалдан ўйинчоқларнинг таълим ва тарбиядаги аҳамияти, уларга қўйилган талабларни педагог-олимлар, табибёт ходимлари, руҳшунослар кўп ва ҳўб ўрганишган.

Маълумотларги кўра, ҳар йили дунёда 3 миллиарддан ортиқ ўйинчоқ ишлаб чиқарилиб, сотилади. Юр

тимизда ўйинчоқ ўйнайдиган ёшдаги болалар 4,5 миллиондан зиёд. Демак, ўйинчоқларга эътибор ва талаб тобора ортиб бормоқда. Республикаимизда ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар, "Устоз-шоғирд" аънавалари асосида миллий ўйинчоқларни ясаш силовларини авлодларга етказиб келаяётган

ЎЙИНЧОҚ ТИМСОЛИДАГИ ТАҲДИД

уста-хунармандлар ҳар томонлама қўлаб-қувватланиб, қўлай шароитлар яратиб берилган. Турли кўргазмаларда улар яратган миллий ўйинчоқ ва кўгирчоқлар намойиш этилмоқда. Лекин, бу маҳсулотларни ўйинчоқ дўконлари ёки бозорлардан қидириб топиш қийин. Гарчи болалар соғлиги ва руҳиятига акс таъсир кўрсатувчи, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиганлиги сифатсиз ўйинчоқлар юртимизга ноқонуний олиб кирилишининг олди олинатгани бўлсада, афсуски, ушбу контрабандага бутунлай чек қўйилмаган.

Кўпгина дўконлар пештахталари шундай ўйинчоқлар билан банд, десак англишмаймиз. "Барби", "Братс" каби кўгирчоқлар, "Комбинция" стали и железа", "Форс", "Шок транс" каби ўйинчоқ қуроллар, "Бэтман", "Тобшака нинъялар" каби турли мультфильм қаҳрамонларининг кўгирчоқ ва ўйинчоқларга кўчган шакл

лари, кўрқинчли ниқоблар, Европа муҳитига мос муслиқали ўйинчоқлар жамланмалари, шунингдек, жангари киёфадаги ўйинчоқлар, оғзида сигарета тўтиб турган кўрқинчли ҳайкаллар, автомат, кишан, граната, пушқа, танклар жамланма... Бу турдаги ўйинчоқлар болада кўрқув ёки аксинча, ёвуз кайфият уйғотади.

Бугунги мураккаб, гоғайи ва ахборотлар кураши авж олиб бораётган даврда ёшлар тарбияси, айниқса, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш муҳим масала. Бу даврда турли ёт гоғайлар, маънавий ва мафкуравий таҳдидлар ўйинчоқлар тимсолида турмушимизга сездирмай олиб кирилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Болаларимизга ҳафтада биттадан ўйинчоқ олиб берганимизда ҳам етти кунда қарий беш миллионга маҳсулот сотилади. Улар сифатли, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, миллий менталитетимизга мос бўлса, айни мудадо. Борди-ю, сифатсиз, гўдак тарбиясига акс таъсир этадиган ўйинчоқлар харид қилмас-чи? Бола қалбига миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шаклландирган даврда уларнинг доимий шуғулланидиган машғулотлари — ўйинчоқларига эътиборсизлик йиллар ўтиб нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. Келажагимиз ворисларини ажодларимизга муносиб, баркамол бўлиб етишишига маъсул эканлигимизни бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз шарт. Чунки, бугун кўрсатилган меҳр-муҳаббат ва тарбия, эртага албатта, ўз самарасини беради.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чиноз туман кенгаши ижроия қўмитаси расиси ўринбосари.

телевизор кўриб ўтириб, мени қаққиб қолдилар: — Онаси, эсингизми, Таня олам бўларди, уруш сабаби уни йўқотиб қўйганман дердин. Ана қара, телевизорда кўпларнинг йўқолган яқинлари топилаётгани ҳақида гап баяланти. Сен ҳам олангни ишлаб кўрмайсанми? Шождарадаги чиқиб қолса, Турмуш ўртоғимнинг гапи

қолиб кетди. Тунлари миҳжа қўқмай, дардлашдик. Кетар чоғимда Ўзбекистон боғу бустон юрт, одамлари олижаноб ва меҳмондўст эканлини тушунирдим. Юртимизда меҳмон бўлиб боришини илтимос қилдим. Орадан беш-олти ойлар ўтиб, олам келди. Уни юртимиздаги тарихий обидалар билан таништирдим. Паркентдаги "Кумушқон" оромгоҳига дам олишга олиб чиқдим. Айниқса, оламни Паркентнинг соғ ҳавоси, тилни ёрар мевалари мафтун этди. Қайтар чоғида бир гапни айтиди: — Синглим, тақлифингга жон деб рози бўлардим. Ўзбекистон ҳақиқатдан ҳам гўзал юрт экан. Яшаш тарзининг, бахтли оиланг борлигини кўриб қувондим. Сенга ҳавасим келди. Бу ерда туп қўйиб, палак ёзбасан. Ўзбекистон сенинг чин Ватанинга айланадими. Энди сени Озернага қайтариб бўлмаслигини тушунаман. Бирок мен қайтмасам бўлмайди. У ерда эса ота-онамизнинг хоки ётибди. Кўриб турганингдек анча кексаки қолдим. Умрим бўйи ёлғиз яшаганимдан афсусдаман. Қишлоққа етиб борғач, фарзанд асраб олишни ният қилдим. Токи мендан сўнг ўйимиз чирогой ўчмасин.

Олам юртига қайтиб кетди. Бу сўнгги учрашувимиз бўлиб қолди... — Эҳтиёт бўлинг, ашиқлар ёпилади, кейинги бекат "Мирзо Улғурбек". Биз Катя хола билан суҳбатга берилиб, манзилимизга етиб келганимизни сезмабмиз. Метродан чиққунча Катя холага кўмаклашдим. Кейин кукоңича хайрлашдик. Ушбу хижояни қоғозга туширарканман, Она юртимга бўлган меҳрим янада орди. Дунёда юрт меҳридан тотили нэмат йўқлигига имон келтирдим.

Оламникида бир ҳафта

Латифжон МАНСУРОВ.

Буни ҳаёт дейдилар

Катя хола билан танишувимиз тасодифан бўлди. Иш юзасидан пойтахтга кетаётгандим.

— Болам, шу машинага чиқасизми? Юқим оғирроқ эди, малол келмаса ёрдамлашиб юборсангиз, — сочлари оппоқ юзларига ажин тушган, чамаси етмиш беш ёшлардаги аёл илтижо билан термулиб турарди.

— Ҳўп бўлади, холажон, — деб юқларини қўлимга олдим.

— Машинага чиқиб, ёнма-ён ўтирдик. Машина пойтахтга йўл олди.

— Раҳмат болам, Сизни менга Худонинг ўзи этказди. Мушкулимни осон қилдингиз.

— Ҳечқиси йўқ, холажон. Сиздек кексаларга ёрдам бериш биз, ёшларнинг бурчимиз-ку, ахир.

— Умрингиздан барака топинг, болам. Сиздек фарзандни тарбиялаб, воға етказган ота-онангизга минг раҳмат. Болам, сўраганинг айби йўқ дейишасиз. Тошкентнинг қаерида турасиз?

— Эй, йўқ, холажон, Тошкентга иш юзасидан кетаялман. Ўзим Кавардон қишлоғида тураман.

— Эҳ-а, қишлоғингиз ҳақида эшитганим бор. Аммо у ерда бўлмаганман. Сабобат исми қишлоғингиз билан бирга ишлаганман, меҳнатқаш ва оқила аёл. Ўтган йили қиз узагандик. Бораман деб тайёргарлик кўргандим-у, афсус, боролмадим... Узини Катя хола деб таништирган аёл шу гапни айтиди, негадир миҳжаллари ёшланди. Орага сукунат чўкди. Бу сукунатни Катя холангиз ўзи бузди: — Яқинингдан айрилишдан ёмоний йўқ экан бу дунёда. Сабобатнингга тўйга бориш тараддуҳида юргандим. Россиядан нохуш хабар олдим. Туғишган олам Таня

вафот этибди. Олам ёлғиз яшарди. Унга Ўзбекистонга кўчиб кел деб неча бор айтдим, аммо унамади.

Катя хола қўларини бир нуктага қадаганча, мунгли хижоясини бошлади: — Уруш бошланганида мен беш, олам Таня етти ёшда эди. Ульянов тумани, Озерная қишлоғида яшардик. Аммо фашистлар қишлоғимиз



ЮРТ МЕҲРИ

қилини қўқма совурди. Аёлми, кексами, ёш болами, ҳеч кимни аямшади. Ота-онамиз бизни аранг ертўлага яширишди. Уларини эса душманлар улдиришди. Буни биз ертўла туйнигидан кўриб турдик. Фашистлардан қўриқиб, опа-сингил уч кун ертўладан чиқмай, яшириниб ўтирдик. Туртинчи кун Таня ул-бул егулик топиб келаман деб ташқарига чиқиб кетди. Аммо қайтмади. Мени қишлоқни тозалагани келган партизанлар топиб олишди. Таня эса исзис йўқолди.

— Мени партизанлар ўзимизникилар томон жўнатилди. Чамаси бир ҳафталар ўтиб, биз ота-онасиз болаларни поездага ўтказишиб, қаергадир жўнатиб юборишди. Ниҳоят, манзилга етиб келдик чоғи поезд тўхтаб, ашиқлар очилди. Биз келган юрт қўеши, иссиқ ўлка

узоқ йиллар юрагим тубида ётган чўғни алангалатди. Чиқмаган жондан умид деб телевидениега хат йўладим. Орадан бир неча ойлар ўтиб, олам Танянинг топилигани ҳақида хушхабар олдим. У ўзимизнинг ўша Озерная қишлоғида ёлғиз яшаётган экан. Эшитган кунимнинг эртасигаёқ эрим билан йўлга отландим.

Озерная қишлоғига етиб борганимча, бир кун миңг кундек туюлди. Қишлоққа кириб борарканман болалигим ўтган давлар, фашистлар ота-онамиз улдирган лаҳзалар кўз олдимда жонланди. Узини йўғидан тўхтатолмадим. Олам Таняни кўриб эса, қалбимга иллик кирди. Опа-сингил бир-биримиздан айрилганимиз келмай, узоқ дийдорлашдик.

Оламникида бир ҳафта

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85. Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85. Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилоти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХУҲАЕВ